

Мавзуимиз йўналиши ўтган саҳифаларимизни кузатиб келадиганларга маълум — тарих, миллий ва умуминсоний қадриятлар, уларнинг бугунги ўрни, тафаккуримизга таъсири, Буюк Истиқлолимизни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун олиб бораётган курашларимиздаги моҳияти ва ҳоказо...

Буюк Истиқлолимизнинг 9 йиллиги муносабати билан муқофотланганлар орасида ўзбек адабиёти, санъати, маданиятининг XX аср бошлариданқол номлари оламга таралган — миллий маънавиятимизни юксалтиришга беқиёс ҳисса қўшган сиймоларимиздан бир гуруҳи борлиги барча софдил инсонлар кўнгиллини тоғдек кўтарди... Шулар орасида йирик олим, адиб, академик Ойбек ҳам «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланди. Ута оғир, зиддиятли, айниқса миллий маънавиятимизни қадрлаш, унга ҳурмат билан қараш нақадар хатарли бўлган бир тарихий вазиятда миллий тарихимизга ёндошиш, ундан бирор нурилик нуктани улуғлаш — бошни гаровга қўйиб баҳарилганига ўзимиз гувоҳимиз. Бизнинг ёшдагилар замондош устозларимиз бу эътиқодларини қандай ифода этганлари-ю сўнгра не не балоларга дучор этилганларини ўз кўзлари билан кўрганлар. Биз ҳозир фақат 50-йилларнинг ўзини кўзда тутганимизда ҳам, талай фожиялар эл-юртимиз бошига тўхтосиз ёғилиб турар, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор тазийида, Шайхзода, Ҳамид Сулаймон қомоқда, тазийиларга бардош беролмаган Ҳабиб Абдуллаев бевақт ҳаётдан кўз юмган ва ҳоказо йиллар эди.

Ойбек ва унинг ҳамфирқ сафдошлари ҳар қандай оғир шароитларда ҳам эл-юрти, Ватани, Миллати тақдирини, унинг бахт-саодатини ўйлаб яшайдиган — Алишер Навоий, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат каби аждодларимиз анъаналарини давом эттирган, ривожлантирган, уларнинг маънавий меросларидан самарали фойдаланишга интиланлардан эдилар. Бу ўзи бир катта мавзу... Ҳозир мазкур мавзунини шу ерда тўхтайтиб, асли максадага келамиз.

Юртбошимизнинг биз келтирган мулоҳазалари аса 2000 йилнинг январь ойида айтилган. Уша вақтлардаёқ Марказий Осиё минтақасида тинчликка таҳдид мавжудлигини Президентимиз жуда ҳушёрлик билан аниқ баён этган. Бу минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлаш, унга кўз олайтираётган ёвузларга қарши курашда мавжуд кучларимизни ҳамжихатлик билан бирлаштириш ҳолда ҳаракат қилишимиз нақадар муҳим ва тақдиримиз айтиш шундай фаолият кўрсатишимизга боғлиқ эканини жуда тегаран уқдиради. Мазкур масалага оид фикр-мулоҳазаларни айтганда Юртбошимизнинг бутун вужудлари жунбушга келатганини, ички бир алангали ҳиссиётлар тўлиқини қайнаб тошаётганини ҳар бир ақли расо инсон чуқур англайди. Бундай ҳароратли давраларга эргашади, ўз муносабатини билдирмай қололмайди...

Энди айтурсиз — ҳўш, бу гапларнинг Ойбекка, унинг «Буюк хизматлари учун» ордени билан вафотида 30 йилдан ошгандан кейин тақдирланишига қандай алоқаси бор? Алоқаси бўлганда қандай? Шу қадар алоқаси борки, фақат уни идрок этиш ва англаб етиш билангина — мазкур бир гуруҳ марҳумларимизни тақдирлаш ҳақидаги Олий фармон моҳиятини тушуниш мумкин бўларди. Шу ўринда кўпчиликка кўпдан маълум бўлса-да, баъзи бир нуқталарни эслаб ўтиш жоиз кўринади. Буюк бобоимиз Амир Темур буюк сиймоларининг хотираларини абадийлаштириш, қабрлари устига ёдгорликлар ўрнатиш борасида нелар қилганларини дўна билади. Алишер Навоий ўзидан илгари ўтган ва ўзига замондош ҳамфирқларини нақадар ҳурмат-иззат билан қайд этиб келганини ҳам тарихчилар, адабиётшунослар яхши билишади. Булар ҳақида кўплаб ёзилган, ҳамон ёзилсади.

Демак ўтган аждодларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш ҳар бир даврининг энг етуқ сиймолари учун муқаддас бурч бўлиб қолгани ҳолда, ота-боболари гўрига тош отиш фақат шўролар даврида расмий бир жириканч сибасат тарзида — давлат миқёсида амалга оширилди. То буюк Истиқлолимизга етиб келмагунимизча булар ҳақида очик гап айтиш мумкинмиди? Йўқ, албатта. Агар шу жиҳатдан кейинги 9-10 йиллар мобайнида миллий қадриятларимиз, тарихимиз борасида амалга оширилган ва ошириладиган ишлар кўпайгани санаб охирига етиш қийин бўлса керак. Бу борадаги ишлар ҳамон тинимсиз давом этмоқда... Ахборот воситалари улар ҳақида муттасил маълумот бериб турибди, шунинг учун тақдорларига ҳоҳат йўқ. Яқиндагина яшаб, ижод қилиб оламдан ўтган ёзувчиларимиз, санъаткорларимиздан бир гуруҳини энг юксак ордан билан тақдирлаганлар эл-юртимиз қалбида абадий ардоқланишларига олиб келди...

Ойбек, Абдулла Қаҳҳор ва уларнинг ҳамфирқлари жуда мураккаб, қалтис вазиятларда ҳам миллий тарихимиз, маданиятимиз, анъаналаримиз, уларнинг энг илгор нуқталарини беқиёс ҳурмат-иззат билан қадрлаганлари эл-юртимиз қалбида абадий ардоқланишларига олиб келди...

Асримизнинг 40-50 ва 60-йилларида ёзилган «Навоий» романи, «Алишер Навоий» драмеси, «Жалолддин Мангуберди», «Мирзо Улугбек» драмеси, «Олдузли тунлар», «Улугбек хазинаси» романларининг муаллифлари бўлиш Ойбек, Шайхзода, Пиримкул Қодириев, Одил Екубов, Уйғун ва Иззат Султон олимларининг янгидан таҳлил қилиш вақти етмади-ми? Ахир булар биз юқорида таъкидлаб ўтганимиз — бошларини гаровга қўйиб миллий маънавиятимизни улуғлаган ёзувчилар-ку! Уларнинг асарлари ва фаолиятларининг эндиликдаги таҳлиди — чинакам илмий, назарий жиҳатдан ҳолис брилиши билан ўзбек адабиётининг ўша даврларга хос ҳақиқий тарихини яратиб мумкин бўларди. Ана шунда баъзи янгигина — бир асари билан бирор ахборот воситасида чўкиб, ҳали бирор билиб-бирор билмасдан — «мана, XX аср ўзбек адабиётида қашфиёт пайдо бўлди» қабилдаги ўйламай-нетмай «баёнот» бераётганларга шонд хил андиша — рая берса... Майли, булар ҳам ўз йўлига...

Ойбек иккинчи жаҳон уруши йилларида нақадар иқтисодий муҳтожликда, эл-юрт бошига қанчадан-қанча хавф-хатарлар таҳдид солиб турган кезларда «Навоий» романини ёзди. Номи жаҳонга кетди. Бир неча тилларга таржима қилинди. Энг атоқли турли миллат вакилла-

ри уни катта иззат-ҳурмат билан эъзозлаб турган бир вақтда яна ўша ўзимиздан чиққан соҳкинлар романдан хато ахтариб кетишиди. Оқдий хато — нуқсон эмас, сибсий, гоъвий хато ахтариб «топишиди». 50-йилларда бадий асарлардан хато ахтариш — бир айиланиб, «миллатчи» деган тамгага тўғриланарди. Ойбек билан Абдулла Қаҳҳор асарларидан худди шундай нуқсон ахтариш одат тусига кирганди. Худди шундай кезларда бадий асарда ўзбек миллатидан бошқа бирор бошқа миллат вакилини танқид қилиш — жуда катта миллатчилик ҳисобланарди. Нега булар ҳақида адабиётшунослигимиз, адабиёт тадқиқотчилари, тарихчиларимиз ҳамон индамасликлари керак?! Адабиёт тарихи — асли миллий тарихимизнинг энг муқаммали, ҳатто тарих фанида акс этмаган воқеалар адабиёт тарихида тўлароқ ифодасини топади-ку! Бу мавзудар ҳамон ўз тадқиқотчиларини кутиб ётадир. Буни унутиб мумкин эмас.

Ойбекнинг «Навоий» романи чиққандан буён ёзувчи ва унинг ижодий фаолияти ҳақида озмуноча асар ёзилгани йўқ. Ундан аввалги «Қулғу қон», қатор дostonлар, шеърлари ҳақида ҳам кўплаб ёзилган. Булар орасида адабиётшунослар Ҳомил Екубов билан Матқуб Қўшонов тадқиқотлари алоҳида аҳамият касб этганини мамнуният билан таъкидлаш жоиздир. Бироқ, уларнинг ёзилганига анча бўлди (30-40 йиллар бўлди). Шубҳасиз ўша давр мафқураси тақозоси билан айтилган фикрлар ҳам эскирди. Ахир Навоий билан Биноий ўртасидаги шахсий бахсларни икки миллатни бир-бирига қарши қўйди деган тухматомани бир ўткннчи — адабиётимизга эмас, маънавиятимиз, маданиятимизга заррача алоқаси йўқ бир кимса матбуотда ёзди. Юқоридагилар уни қувватлаганини кўрган бир билимдон шу гапни дангал қувватлаганда қалбида заррача иймоний-этиқоиди бор, инсофли жамоа ёқа ушлади, унга нафрат ўқиди. Аммо Ойбек бундай жўн гапларга парво қилмай бирор жумла у ёқда турсин — кейинги нашрларда бирор сўзини ҳам ўзгартиргани йўқ. Каминанинг бу ҳақидаги хабардорлигимиз боиси шу эдики, «Қулғу қон» билан «Навоий» романларининг 50-йиллардаги нашрларига биз муҳаррир бўлган эдик. Шу муносабат билан домла Ойбек ҳузурларида бир неча марта бўлишга тўғри келган эди.

майди» деб жар солган. Бундай саёз гапларга ҳўкморлик берган ким ва нима деб сўрасиз? Яна ўша — ҳаммамизни хароба томон зўрлаб йўллаган, таг томири, туб замини сароблардан, туманлардан, аралаш-қуралаш тўтун-у булгардан иборат бўлиб бурқираб ётган ҳўкмор мафқура эди... Адабиётимизда гоъвийликдан бошқа мезон йўқ деб жар солган «лаббайчилар»га бу йўналиш — Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитратлардан кейин Ойбек ва Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода ва Ҳамид Сулаймон каби буюкларимизни «тошбўрон қилиш» имкониятини тўла яратиб берган эди... Асарлардан нуқул гоъвий хатолар ахтариб топишни касб қилиб олганлар ҳурмат-иззатда, эл-юртимиз дарди билан яшашни ўз ҳаётлари ва фаолиятларининг мазмунини қилиб олган буюк сиймоларимиз эса таъкибда қолдилар. Агар буюк Истиқлолимиз бўлмаганда ҳамон бу фожияли ҳаёт тарзи, қарамлик сибасати жабр-зулми остида умримиз ўтарди; минг шўқри, энди у дахшатли даврлар орда қолди, уни боғловчи кўприклар ёндириб ташланди, унга қайтиш йўқ. Қўш ўз истаги билан қафасга кирмаганидек, инсон ҳам ўз иктиёри билан қулликка тушмайди. Инсонда онг ва идрок бор. Ўз ҳўқуқларини ўзи ҳўқимас, бошига не кўнлар тушажаги ҳамиша унинг ёдида.

Буюк аждодларимизнинг бой, бебаҳо маънавий меросларини бахра олиш билан дунёқарши шаклланган Ойбек XX асрнинг 20-йилларидан то умрининг охиригача ўз фаолиятида муттасил юксакликка кўтарила борди.

Навоий ҳаёти ва ижодиёти ҳақида қатор тадқиқотлар олиб борган Ойбек бу борадаги барча меҳнатларининг энг йирик маҳсули сифатида «Навоий» романини ёзди. Бу асарни иккинчи жаҳон уруши даврида ёзган ва нега Ойбек XX асрнинг 40-йилларида Ватанимизнинг XV асрдаги ҳаётига, тарихига мурожаат қилади? Албатта бу ҳақида илгарилари ҳам кўп ёзилган. Аммо бугун мазкур асарнинг қадр-қиммати яна айнаи замонда Мустанки республикамиз, халқимиз ҳаётига қарши фитначилар ёвузлик қилиб турган кезлардаги воқеа-ҳодисаларга барҳам беришда бизга қумаклашадиган десак, хато бўлмас керак. Негаки, Ойбек айнаи кўнларда яна бир улуглангани маълум. Чиндан ҳам унинг юксак миллий қадриятини аввало миллий маънавиятимиз бўлса, шу билан бирга аллақачон умуминсоний фазилатларга қўшилиб кетган бебаҳо маънавий ҳазина сифатида қалбларимизда абадий яшайди, авлодлардан авлодларга ўтади, эскирмайди, янгидан-янги маънолар касб этиб бораверади...


Ойбек айнаи Навоий ҳаёти ва даври ҳақидаги бадий асарларида — буюк Амир Темур вафотида кейинги фожиялар фақат шўх авлодлари ўртасидаги ноаҳиллик, тохта-талашини туфайли рўй бергани, бу эса халқлар бошига ҳадсиз-худдусиз бахтсизликлар келтирганини кўрсатади. Шу воқеалар марказида эл-юрт бошига тушган қулфаларга барҳам беришга бутун кўпчиликни ташкил этади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, заводимизда ёшларга, улардан малакали кадрлар тайёрлашга катта эътибор қаратилган. Бу борада 20-30 йиллик тажрибага эга бўлган ишчиларнинг хизматлари каттадир. Улар ёшларга ўз тажрибаларини, касб сирларини пухта ўргатишмоқда. Натижада ҳамжихатликда қилинган иш ўз самарасини бермоқда.

Бозор муносабатлари ривожланиб бораётган ҳозирги широйтда бирлашма ишлаб чиқариш ҳажмларини изчил сурьатда ошира бориб, мамлакатимиз иқтисодий ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Бу корхонада илгари мамлакатимиз ташқари-

«Эътибор қилинг, XV асрда жаҳон маънавий оламини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган ҳозирги афғон ери XIX асрда келиб, нега жиноятчилар, гивандлар, кўпурвичилар марказига айланган қолди?! Ҳозир бу савол бутун минтақани эмас, бутун дунёни ташвишга солиб қўйди. Юртбошимиз бу борада неча йиллардан буён ўз мулоҳазаларини ҳар хил муносабатлар билан баён қилишга эмас, аниқ тадбирларни ҳам амалга ошириб келаятганларини жаҳон билади. Ҳамма оғизда уларни маъқуллайди. Бироқ амалда-чи? Республикаимиз Олий Мажлисининг яқинда бўлиб ўтган анжуманида ҳам таъкидлаганларидек, кўпурвичилар маркази ҳамон Қобул, Қандаҳор, Тожикистоннинг Афғонистонга чегарадош ерлари бўлиб қолаётгани бизни бефарқ қолдира олмайди-ку!

Ойбек, Навоий, Қодирий каби буюк даҳлар маънавиятининг ўта абадийлиги, бебаҳолиги, умуминсонийлиги ҳам шундаки, улар асрлар оша фақат миллий таҳриятлар эмас, умуминсоний қадриятлар сифатида ҳам яшайверади... Алишер Навоий ва унинг шогирди Султонмурод, олимлар, зиёлилар, замонанинг энг етуқ сиймолари — ҳамиша инсоният манфаати, маънавиятини юксалтиришга улуқсиз қумаклашаверади... Бизнинг Ойбек — айнаи ўша буюклар қаторидан ўрин олиб, миллий тарихимизга кирган. Унинг маънавий меросини чуқур таҳлил қилган сари — бу бебаҳо хазинанинг янгидан-янги кирралари очила боради. Кўз олдимида Ойбек сиймоси тобора юксалиб бораверади... Буюк сиймоларимизга абадий шон-шарафлар бўлсин дея тилак билдириш — ҳар бир иймон-этиқоидли шахсининг бурчи бўлиб қолади!...

Аҳмад АЛИЕВ.



Саноат

ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ ҚИЗГИН

«Ўзтемирйўлмаштаъмир» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Тошкент тепловоз таъмирлаш заводи жамоаси ишчи-хизматчилари жорий йилда ўз вазифаларига сидқидилдан ёндошиб, таъмирлаш ишларини сифатли ва ўз вақтида адо этишмоқда.

— Ҳозирги пайтда корхонамизда ТЭ10Л ҳамда ТЭ10М серияли тепловозлар ва электровозлар таъмирланади, — дейди ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари О. Ковалёв. — Иш сифати ва самарадорлигини таъминлашда 1500 мингдан ортиқ ишчилар гайрат кўрсатишади. Улар орасида моҳир, кўп йиллик тажрибага эга бўлган ишчиларимиз билан бирга касбга меҳр қўяётган ёш йигит-қизлар кўпчилигини ташкил этади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, заводимизда ёшларга, улардан малакали кадрлар тайёрлашга катта эътибор қаратилган. Бу борада 20-30 йиллик тажрибага эга бўлган ишчиларнинг хизматлари каттадир. Улар ёшларга ўз тажрибаларини, касб сирларини пухта ўргатишмоқда. Натижада ҳамжихатликда қилинган иш ўз самарасини бермоқда.


Бозор муносабатлари ривожланиб бораётган ҳозирги широйтда бирлашма ишлаб чиқариш ҳажмларини изчил сурьатда ошира бориб, мамлакатимиз иқтисодий ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Бу корхонада илгари мамлакатимиз ташқари-

сидагина амалга ошириладиган иш — локомотив ва вагонларни таъмирлашнинг янгича усуллари ўзлаштирилиб, амалга татбиқ этилмоқда. Заводда бажарилаётган ишнинг сифатига қафолат бор. Чўки капитал ремонт мобайнида техника бу ердаги 21 цех ишчилари қўлидан ўтади. Шу боис ҳам тўла таъмирдан чиққан вагонларга 7 йил қафолат берилади, тепловоз ва электровозлар таъмирдан чиққан 1 миллион 200 минг километр йўлни бекаму кўст босиб ўтади. Завод йилга 350 та тепловоз ҳамда 200 та вагон таъмирлаш қувватига эга.

Айнаи кўнларда ушбу корхона ишчи-хизматлари сифат ва самарадорликка алоҳида аҳамият қаратиб, буюртмаларни сифатли ва муддатда бажариб техникани ўз вақтида шай қилишмоқда.

Дилноза ФИЁСОВА. СУРАТЛАРДА: Орол Айтбоев ва Абдуғаффор Олимшоевлар пайвандлаш ишларини усталари; тўла таъмирдан чиқарилган паровоз.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.



Мулоҳаза СОЯБОНСИЗ БЕКАТЛАР

Мен шахримиз ҳуснига доғ бўлаётган, ҳамшаҳарларимизнинг эътирозларига сабаб бўлаётган соябоний йўқ бекатлар ҳақида ёзмоқчиман.

Ахир ёзда офтоб тигида, қишда ёғин-сочинда туриб транспорт кутниш кимга ёқди? Юнусобод йўл кўприги олдиданги 10-мавзегга кетаверинида на автобус бекатларида, на трамвай бекатларида соябон ва ўриндиқлар бор, юк илтиқ тўғрисида оғиз очмаса ҳам бўлади. Шу йўналишдаги кейинги бе-

катларда эса ўриндиқлар олиб ташланган. «Поликлиника» бекати фарошлар томонидан супурилайди ҳам. Бекатларимиз жиҳози қиммат, дабдала бўлмаганда, шинам, шахримиз қиёфасига монанд бўлади, деб умид қиламан.

Шўкур ОРИПОВ, пенсионер.

Халқларимиз тафаккурида юксак ахлоқий-маънавий қадриятларни қарор топтириш ва мустаҳкамлаш орқали уларни ёвуз кучларга қарши курашга сафарбар этиш зарур.

Ислом КАРИМОВ

Истиқлол ва миллий қадриятларимиз

XIХ. ТАРИХНИНГ ТАРБИЯЧИЛИГИ НИМАДА?

Шундай учрашувлардан бирида Ойбек домлани жуда ҳурсанд кўрдим. Худди ёш боладек қувонч билан «бу ёққа юринг» деб китоб жаволлари турган хонага олиб кирдилар-да, имо-ишора билан «манавини кўринг!» дегандек, бир жуда чиройли муқовали қалин китобни қўлимга бердилар. Уқини билмайман, аллақандай гўбча ёзувада — аранг «Навоий» деган сўзни пайқаб олдим. Узлари «Чехословакиядан келди», гонорари ҳам келди, олмадим. Ўша ёққа борганимизда ишлатарман, деган сўзларни менга аранг тушунирдилар. Мен табриклидим. Юзлари тўла табассум. Катта-катта, чиройли, салобатли кўзлари — нуруний юзларига янада салобат берган, қўнгиллари жуда шод. Тўлиб-тошиб турибдилар. Аммо гапира олмайдилар... Бу ўша паस्ताшларнинг «миллатчи» деган тамгасидан келган — буюк сиймонинг рақиблари қилмишлари натижаси эди...

Эҳтимол, бу гаплар ҳозир нега керак бўлиб қолди, деган саволлар ҳам туғилиб қолар. Бу дастлаб шунинг учун керакки, тарихни қанча тўғри ёритилса, унинг нуқсонлари ҳам, ютуқлари ҳам — ҳамма-ҳаммаси келгуси ҳаёт тақдирини унчун гоът қанча аҳамият касб этади. Бузиб қўрсатиш қанча зарар келтирса, тўғри қўрсатиш шунча фойда келтирарди. «Қулғу қон» пайдо бўлганда айрим ивгогар тақризчилар — ундан хато ахтариб, Петров об-разида миллатнинг фазилатлари тўла қўрсатилмаган деган тамгани матбуотларда эълон қилдилар. Шу ҳақида каминга Ойбек домла билан суҳбат чоғида эслатганимда, «Бекор гап. Бундан ортиқ бўлмаган» деб лўнда жа-воб қилганлари эсимда. Орадан неча йил ўтди, роман неча марта босилди. Аммо бу ҳақида бир сўз ўзгартирилгани йўқ. Мана бу — иймон, эътиқод ўз сўзли сиймо фазилатлари эди. Бир оғиз сўз билан минг марта тавба қилиб, бор-йўгини ўзгартириб юбориш — Ойбек ва унинг сафдошлари учун бегона сифат эди. Тарих, миллий қадрият, умуминсонийлик сингари энг олий зиёилик ҳусусияти — ҳар бир асрда ҳам даврининг энг буюк сиймоларигагина хос ҳусусият бўлиб келган ва шундай бўлиб қолаверади.

Шу жиҳатдан Ойбек ва унга ўхшаш буюк сиймоларининг иймон-этиқоидига хос бир буюк ва жуда қалтис фазилатини эслатиб ўтамиз — зеро бу кўпчиликка маълум эмас, тор доираларда бўлган гап. Коммунистик ҳун-резликнинг энг дахшатли рақибари Сталин ўлди. Мамлакатда мотам. Бизлар ҳам ҳеч нарсани тушунмаймиз. Шу вақтда домла Иззат Султон Ойбек билан учрашиб қолишади. Ойбек уни олим сифатида тан олар, романларининг қўлбазмасини у кишига бериб ўқитар, фикр-мулоҳазалари билан ҳисоблашар эдилар. Хуллас, Сталин ўлди-я, деб қолади домла Ойбекка. Шунда Ойбек — «Яхши бўлди. Золим эди» деб юборди. Бу бир. Яна бизнинг буюк олимларимиздан бири Яхё Ҳуломов «КПСС тарихи — ёлгон тарих. Унинг нимасини ўқийди» деганлари эсимда... Яна — Абдулла Қодирий 20-йилларнинг ўрталаридек ҳунрезлик даврида Чўлпоннинг «Тонг сирлари» номли шеърини тўпламига ёзган сўзбо-шисида — «Чўлпонни йилгоқ шорид деб тана қилишади. Унинг кўз ёшларидан бир қўчи чечалар униб чиқади» деган фикрни айтган. Яна 1927-йилларда Чўлпонга авжи ҳўжум қилиб турган кезларда Ойбек Чўлпонни таъвозулардан сақлаб қолиш учун унинг шеърини таъдиқ қилишга уёққа қўйиб, маҳоратидан фойдаланайлик, деб чиққан. Бир калтабин сохта олим эса бунинг асл фаҳ-мига бормай, «Ойбек шакл билан мазмунини ажрата ол-


борлигини бахшида этган буюк сиймолар — Алишер Навоий ва унинг ҳамфирқ замондошлари қўбфалари кўз ўнгимизда қад қўтарайди. Уларнинг улуғлиги, етуқлиги, ўз даврининг бутун ҳаёт-мамоти, тақдирини билан ҳамна-фас бўлиб яшаганларини бутун жаҳон халқлари эътиборини жалб қиларди... Ойбекдек буюк даҳомизнинг мубо-рак қўллари билан ёзилиб, 1944 йилда эълон қилинган мана бу сатрларга бир эътибор қилинг-да, бундан олти-миш йиллар ўтгандан кейинги макон ва маскан аҳолига уни қиймасан — хулоса қўлуви ва тингловчиларга хаво-ла:

«Жўмба намазидан кейин «Гавҳаршодбегим» мадрасаси сув қўйгандек жимжит бўлиб қолди. Мадраса ақли-нинг аксари кезиб келиш учун шаҳарга ёки ёр-бирор-дарлариникига кетган. Султонмурод ҳўжрада ёлғиз ўти-рар эди. У энди Хўросоннинг машҳур олимлари билан учрашади, илмий мунозараларда қатнашади. Уз истеъ-доди, билимларининг чуқурлиги билан кундан-кун кен-грок танилади. Навоий билан тез қўришиб туради. Гар-чи ундан дарс олгани бир кўп ёш «толиби илмлар» унинг эътигаги ёпишсалар ҳам, лекин бирор мадрасада, мударрис сифатида дарс бермоққа бошламаган эди. У мударрислик вазифасини оруз қилса-да, Хиротда олим-лар қўлигидан, уларнинг орасида рақобат, ҳатто очик душманлик бўлганидан, Султонмурод орузни амалга оши-ришга шойилмас, кўтиз йиллаб, қирқ йиллаб дарсгўй-лик этиб донг чиқарган ва қисман ўзининг муаллимлари бўлган улўғ чоллар билан курашмоққа жасорат қилмас эди...»

Эътибор қилинг, XV асрда жаҳон маънавий оламини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган ҳозирги афғон ери XIX асрда келиб, нега жиноятчилар, гивандлар, кўпурвичилар марказига айланган қолди?! Ҳозир бу савол бутун минтақани эмас, бутун дунёни ташвишга солиб қўйди. Юртбошимиз бу борада неча йиллардан буён ўз мулоҳазаларини ҳар хил муносабатлар билан баён қилишга эмас, аниқ тадбирларни ҳам амалга ошириб келаятганларини жаҳон билади. Ҳамма оғизда уларни маъқуллайди. Бироқ амалда-чи? Республикаимиз Олий Мажлисининг яқинда бўлиб ўтган анжуманида ҳам таъкидлаганларидек, кўпурвичилар маркази ҳамон Қобул, Қандаҳор, Тожикистоннинг Афғонистонга чегарадош ерлари бўлиб қолаётгани бизни бефарқ қолдира олмайди-ку!

Ойбек, Навоий, Қодирий каби буюк даҳлар маънавиятининг ўта абадийлиги, бебаҳолиги, умуминсонийлиги ҳам шундаки, улар асрлар оша фақат миллий таҳриятлар эмас, умуминсоний қадриятлар сифатида ҳам яшайверади... Алишер Навоий ва унинг шогирди Султонмурод, олимлар, зиёлилар, замонанинг энг етуқ сиймолари — ҳамиша инсоният манфаати, маънавиятини юксалтиришга улуқсиз қумаклашаверади... Бизнинг Ойбек — айнаи ўша буюклар қаторидан ўрин олиб, миллий тарихимизга кирган. Унинг маънавий меросини чуқур таҳлил қилган сари — бу бебаҳо хазинанинг янгидан-янги кирралари очила боради. Кўз олдимида Ойбек сиймоси тобора юксалиб бораверади... Буюк сиймоларимизга абадий шон-шарафлар бўлсин дея тилак билдириш — ҳар бир иймон-этиқоидли шахсининг бурчи бўлиб қолади!...

Аҳмад АЛИЕВ.



Шахримизнинг овод ва кўркам бўлиб боришига қувувчилар муно-сиб улўш қўшиш-моқда. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан бунёдкор-лик ишлари аж-олган даҳа ва ма-взуларда тежорлик билан замонавий бинолар, маданий-маиший мажму-лар қад қўгармоқ-да. Бугун бундай йирик қурилишлар ва иншоотларни санаб адоғига етиб қийин. Су-раткаш Эркин Бо-тировнинг диққа-тинигизга ҳавола этаётган суратла-рида ҳам пойтах-тимизнинг қури-лиш ишдорлари-дан бирида фаол-к а т н а ш а ё т г а н қурувчилар ҳаё-тидан лавҳалар акс эттирилган.

Киши ҳаётининг энг азиз ва қувончли дамлари кўп. Туғилган кунлар, баалоғат ёши, оила қурилган кун, фарзандли бўлиш, ниҳоят унинг тую томошалари бўлиб ўтган онлар...

Дарҳақиқат ҳаётда шундай кун ва соатлар борки, ўша кун ва соатларни сира унутиб бўлмас. Йиллар ўтгани сайин оқсиллашиб бораверар, лекин хотирдан кўтарилиш ўрнига, аксинча янада яқинроқ ва қадрлироқ бўлиб бораверар. Бу — етти ёшга тўлганда, илк марта мактаб остонасидан қадам қўйилган ва дастлабки сабоқ парчасига ўтирилган кун. Биринчи муаллима... Биринчи дарс... Унинг ёқимли чехраси, меҳрибона қарашлари, самимий нигоҳлари, қувонч балқиб турган кўзлари, мулоим ва ширин талаффуз ила сўзлашлари... Уларни унутиб бўладими? Асло! Бир умрга дил дафтарида муҳрланиб қолган ўша муқаддас кун ҳар йили бир пайтда янада яқин, янада жозибали ва ҳаяжонли бўлиб, ўз бағрига қорлайверади.

Биринчи муаллима. Сиз уни ўз туққан онангиздай севиб қолгансиз. Бир дамга-да онангиз ўғитларини ҳаёлингиздан фаромуш этарсиз, аммо устозингиз сизга илк бора ҳарф таълими, янги дунёга бошлаб кираётган ўқитувчингиз сабоқларини сира ёддан чиқармассиз. Унинг айтганлари сиз учун бир умрлик қонун бўлиб қолишини кейинкейин англаб етасиз. Мактабга кириб келишингиз билан шошилиб, қувониб ва бироз ҳаяжону уялиш билан салом берасиз, машғулот пайтлари ҳурмат ва итоат билан унга қулоқ соласиз. У сизга ҳарф таълипти, китоб оламага бошлаб қирапти... Нақадар муқаддас онлар эканлигини киши орадан узоқ йиллар ўтиб кетгандан кейингина янада тيرانроқ англаб қоларкан.

Мени кўлга қалам олиб, бу сатрларни битишимга бир мактуб сабаб бўлди. Тўғрироғи, дам олиш кунларининг бирида қадрдон дўст ва мураббий, ширин калому меҳнатқашлиги, одамийлиги билан каттаю кичик ўртасида меҳру муҳаббат қозонган, Республика радиосида бутун умр меҳнат қилиб келаятган истеъдодли муҳандис Абдумутал Юсупов хонадонига борганимда қизиқ бир сўхбат устидан чиқиб қолдим. Абдумутал аканинг умр йўлдошлари Гулчехра опа Юсупова йигирма беш йилдан бери Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 219-ўрта мактабда бошланғич синфларга дарс бериб келадилар. Йигирма беш йил... Бундоқ ўйлаб қарасангиз, айтишга осону лекин ана шу чорак аср мобайнида қанчадан қанча бола таълим олди, ҳарф таълими, катта ҳаёт бағрига кириб борди. Бола мисоли нозик ниҳолу, уни авайлаб-асраб парваришлаш, маънавий озук бериш ва камолга етказишдаги машаққатли юмуш мураббий зиммасида. Бир болани илк сабоқ кундан бошлаб то унинг баалоғат ёшига етгунига қадр таълим-тарбияси, билими билан шуғулланиш учун ўқитувчига қанчадан-қанча бардош, сабот, матонат керак. Ана шу буюк қудрат эгаси Гулчехра опанинг шундайин му-

қаддас ва оғир ишда ишлаётганига йигирма беш йил тўлибди. Ёшлари эса эллик чикибди. Бир пайтлардаги узун-узун қора сочларда оқ, лекин чехраларида хануз ўша меҳрибонлик ифодаси, болазонлик, самимият ва ниҳоят қасбидан, ўтган умри ва шогирдларидан миннатдорлик сезилиб турарди.

Муаллиманинг кўлида юпқа, хитой шилдирик қоғоз турибди. Билсам, мактуб экан. Опа севиниб ва соғиниб ўқияптилар, Абдумутал ака эса сўрида ўтирганларича тинглаяптилар. Қизиқдим. Чет элдан, Англиядан экан. «Буларнинг хорижда қариндошлари йўқ эди-ку!» — деган

зандининг мўмин-қобил, меҳнатқаш бўлиб улғайишганлиги, ҳовлини тўлдириб юрган невараларининг эркаликлариди... Ҳаммаси ҳавасимни келтирарди. Яхшиларга яхши ният ва ҳавас қилса кам бўлмас киши.

Ижозат билан мактубни кўлга олдим. Шилдирик, оқ майин қоғозга чиройли дастхат билан битилган сатрларга кўз югуртираман. Собик ўқувчи Анвар илк ўқитувчиси, онасидай азиз ва мўътабар бўлиб қолган Гулчехра опани ҳамиша ёдида сақлаётганлигини, ўзининг Буюк Британияда йулкан мамлакатнинг қадим шаҳарларидан бирида таҳсил кўраётганлигини,

Хат охирига «Мирзо Анвар» дея имзо қўйибди. Бунда ўзига хос, яъни атоқли адибимиз Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романи қаҳрамони Анварга ишораи тақлид бўлиб, айни чоғда илмли киши бўлиб улғайишга интилиш бор эди.

Мен Гулчехра опанинг кўлида илк сабоқ олган йигит-қизлар ҳозирги пайтда турли олий ўқув юрларида таҳсил кўришаётганлигини, анчайинлари Америкада эканлигини билардим. Ўқишни битирганлари эса турли мутахассисликларда катта вазифаларда ишлашаётганлиги ҳам менга аён эди. Яна бир қизиқ гап.

Бундан йигирма беш йил муқаддас опа кўлида ўқиган, ҳозир катта киши бўлиб етишган собик ўқувчи билан муаллиманинг бозордаги учрашуви ажиб ҳол бўлган экан. Опа дам олиш кунини Чорсуда бозор-ўчар қилиб энди уйга кетаман, деб турган маҳалда кимдир унинг кўлидаги юкчини олмақчи бўлганмиш. Опа бундоқ қарасалар, бир йигит унга ҳаяжон билан қараб турибди. Опанинг кўзларига иссиқ кўринибди, исмини айтолмасмишлар. Шунда йигит қулибгина: «Танимадингиз-а?!» — дермиш. Сўнг исми-шарифини, қаерда туришлигини айтган экан, опа қулиб юборибди. Севинчдан кўзларига ёш қалқиб кетибди.

— Сенмисан, болам, Одилжон! Буни қара-я, кап-катта киши бўлиб кетибсан. Танимай қолибман.

Одиджон Эски шаҳарлик бўлиб, Гулчехра опа Тошкент Давлат педагогика институтини тамомлаб 219-ўрта мактабга ишга келган пайтда биринчи ўқитган ўқувчиси эди. Ҳол-аҳвол сўрашишди. Одиджон ҳисобчи-муҳандис бўлиб етишибди. Банклардан бирида ишлаётган экан. Оила қурибди. Қаранг, энди у ҳам бола-чақалик.

Гулчехра опа собик ўқувчисининг камолдан беҳад қувонарди. Қайси муаллим қувонмайди, дейсиз. Ахир бировнинг боласини ўзининг фарзандидай авайлаб-асраб ўқитади, таълим-тарбия беради, эвазига ҳосили бўлмиш ўқувчиси олим ё бирон касбу хунар кишиси бўлиб етишадими қувонмасинми?! Муаллима учун ўқувчисининг камоли — келажак истиқболини кўришдан ортиқ бахт бўлмаса керак. Чунки ана шу бахт учун муаллима ўз зиммасига машаққатли меҳнат йўлини танлаган, умрини бахшида этган.

Гулчехра Юсупова... Бу номни Собир Раҳимов тумани халқ таълими бўлимидагилар ҳам, 219-мактаб жойлашган Қорақамиш даҳасидаги маҳаллар аҳли ҳам яхши билишадилар. Олий тоифадаги ўқитувчи, халқ таълими аълочилиги, ёшлар мураббийси ва устози, беш фарзанднинг онаси Гулчехра Юсуповани ёру дўстлари, ҳамкасблари, ўқувчилари, шогирдлари самимият тўла дил сўзлари ила қутламоқдалар. Умрининг зиёда бўлсин, меҳнатларининг роҳатини кўринг, севимли устоз!

НУРИЛЛА АЛИМОВ. СУРАТДА: Гулчехра Юсупова ўқувчилари билан.

Орамиздаги одамлар

МЕҲРИБОН МУАЛЛИМА



1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар кунин

ўй ўтди кўнглимдан. Бироздан сўнг ҳаммаси оидинлашди. — Домлага Англиядан ўқувчиси ёзибди, — дедилар алоҳида қувонч ва гурур билан Абдумутал ака. У киши Гулчехра опани «домла» дейдилар. Бу сўз замирида ҳам ҳурмат, ҳам фахр ҳисси зоҳир эди.

— Ўқувчи ёзибди, дейсизми? — қайта сўрадим Абдумутал акадан. Тушунмадим. Қулишди.

— Опангизнинг собик ўқувчиси Англида ўқибди экан. Хат ёзиб юборибди. 50 ёшга тўлганлари билан табриклабди. Қаранг, унутиб юбормабди. Хе, отасига раҳмат-ей боланинг... Ана оқибат... — чехраси янада ёришиб кетди Абдумутал аканинг. Гуё мактуб Гулчехра опагамас, ўзига келгандай, ўша болага сабоқни опа эмас, ўзлари бергандай қувонардилар. Жилмайиб ҳавас билан қараб қўйдим. Эру хотиннинг аҳиллигию бешала фар-

бунда устозининг бекиёс хизмати борлигини қайд этганди. Абдумутал ака айтганча, тасанно дейишдан бўлак гап йўқ. Ахир мактабдан кетди дегунча ўқитувчисини унутиб юборадиган, кўча-қўйда дуч келганда ўзини кўрмаганга олиб ўтадиган собик ўқувчилар йўқ дейсизми? Анвар эса биздан анча оқиллардан мактуб ёзарди.

— Устоз, ҳозир сизга ушбу мактубни битар экманман, кўз олдимга сизнинг менга илк марта ҳарф таълими пайтларингиз келди. Ёзишга қўйналган пайтимда ёнимга ўтириб олардингиз-да, қўлимдан ушлаб мулоимлик билан ўргатардингиз. Худди ўзингизнинг болангиз сингари кўраддингиз. Сизнинг менга берган меҳрингиз, илмингиз каби мени чинакам инсон бўлиб улғайишимда катта хизмат бўлганлигини энди-энди тушуниб, ҳис этиб турибман. Сизга ташаккур! — дейилганди мактубда.

Юқумли сариқ касаллиги гепатит жуда хавфли касаллик бўлиб, киши организмда жигарни хасталайди. Натижада жигар ўз вазифасини тўлиқ бажара олмайди. Шу тўғрисида киши организмда биринчи навбатда овқат ҳазм қилиш тизимида бузилиш пайдо бўлади, умумий модда алмасиши бузилади.

Юқумли гепатит — ўткир инфекция касаллиги ҳисобланади, уни ҳатто филтердан ҳам ўтвчи вируслар қақиради. Бу вируслар бир неча хил бўлиб, кўпинча вирус «А» ва «В» учрайди. Юқумли гепатит «А» касаллигининг асосий манбаи бемор одам ҳисобланади. Бемор касаллигининг биринчи ва иккинчи ҳафтасида атрофдагилар учун жуда хавфли бўлади, чунки бу даврда уларнинг нажаси билан пешоби атроф-муҳитга вируслар ажратади. Кейинги пайтларда гепатит касаллигининг сариксиз кечадиган, яъни атипик шакли кўп қайд этилмоқда.

Бундай беморлар ўз вақтида тиббий ёрдамга мурожаат қилмаслиги тўғрисида касаллиқнинг оғир ва сурункали шаклга ўтиб кетишига сабаб бўлибгина қолмай, балки атрофдаги соғлом кишилар учун ҳам катта хавф тўғрилади. Бемор нажаси билан ажралиб чиққан вируслар соғлом кишиларга ифлосланган сув, озиқ-овқат маҳсулотлари, турли хил буюмлар ва тупроқ орқали ўтади ва хасталик келтириб чиқаради. Гепатит «А» билан кўпинча 1 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар хасталанади. Гепатит «А» вируси юққандан сўнг касаллиқнинг биринчи белгилари пайдо бўлгунча ўтадиган яширин давр 7 кундан 50 кунгача, кўпинча эса 15-30 кун бўлиши мумкин. Сариклиқ пайдо бўлиш олди даври ўртача 7-14 кун бўлиб, баъзан 30 кунгача давом этади. Беморнинг тана ҳарорати 38 даражага кўтариллади. Шунинг назарда тутиш керакки, баъзи ҳолларда бу даврда пайдо бўладиган белгилар грип касаллигининг белгиларига ўхшаш таърифланади, йўтал, ту-

мов пайдо бўлади, катта ёшдаги болалар баданининг қақшаб оғришидан ва бош оғришидан шикоят қилдилар.

Юқумли гепатитга хос бўлган белги баданда сариқлик пайдо бўлиш ҳисобланади, унинг пайдо бўлиши билан касаллиқнинг сариқлик даври бошланади. Дастлаб кўз оқи ва юмшоқ танглай сарғаяди, сўнгра са-

ликнинг оғир шаклига ўтиб кетишига олиб келади. Шунинг учун ҳам ҳеч қачон ўзбилармонлик билан даволаниш керак эмас. Бемор касалхонада даволанаётганда кўпроқ ўрнида ётиши ва овқатланиш парҳез тартибига қатъи амал қилиши лозим. Беморга бериладиган овқат ва таомлар карбонсуб ва оксилларга бой, ёғ миқдори эса чекланган бўлиши керак. Беморга қайнатишдан гўшт, балиқ, сузма, етарли миқдорда суюқлик, минерал сувлар, чой, глюкоза эритмаси бериш тавсия этилади. Юқумли гепатитни даволашда ишлатиладиган дори-дармонлар фақат тиббиёт ходимлари назоратидагина қабул қилиниши лозим. Хасталиқнинг тарқалишига умумий овқатланиш корхонлари, мактаб ва мактабгача бўлган бола-

Шифокор огоҳлантиради

ЮҚУМЛИ САРИҚ КАСАЛЛИГИДАН САҚЛАНИНГ

риклик кучайиб териға ўтади. Биринчи ҳафтанинг охири ва иккинчи ҳафтасида эса сариқлик тўла намён бўлади. Бу даврда одатда беморнинг иситмаси тушади, лекин бу ҳол бемор аҳволининг яхшиланганини кўрсатмайди, чунки жигар ва талоқ шишиб, катталашади. Беморнинг аҳволи ёмонлашиши мумкин. Ёш болаларда гепатит «А» хасталиги аста-секин бошланишидан сариқликдан олдинги даврсиз, тўсатдан бошланиши ва иситманинг кўтарилиши, қусиш, жигар соҳасининг оғриши билан намён бўлади. Кичик ёшдаги болаларда хасталиқнинг бошланишида беҳоллик, уйқучанлик, эммай қўйиш ёки сусти эмиш ҳоллари намён бўлади. Ўз вақтида тиббий хизматга мурожаат қилинмаса, бу ёшдаги болаларда хасталик оғирлашиб, жигар дистрофиясига олиб келади. Юқумли гепатит билан оғирган беморлар албатта касалхонада даволанишлари лозим. Баъзан касаллик белгилари пайдо бўлганда, шуларни даволаш мақсадида дори-хоналардан дори олиб ичиш ҳоллари ҳам учраб туради. Бу эса хаста-

лар муассасаларида озиқ-овқат маҳсулотларининг нотўғри сақланиши, идиш-тўвоқларни ювиш қоидаларига риоя қилмаслик, санитария-гигиена, эпидемияга қарши кураш тартибининг бузилиши сабаб бўлади. Юқумли гепатитга қарши кўрилаётган чоралар асосан касаллик манбаининг тезда аниқланиши ва уни бошқалардан ажратишга, хасталиқни юқитувчи омиллар — сув, озиқ-овқат маҳсулотлари, уй-рўзгор буюмлари, уйинчоқлар ва шу кабиларнинг касаллик кўзгатувчи вирус билан ифлосланмаслигига қаратилган бўлиши лозим. Юқумли касалликларга қарши курашда ҳар бир кишининг иштирок этиши кўрилаётган чораларнинг таъсирчанлигини оширишини таъминлайди.

Махмуджон ЗОЙИРОВ, Сергели тумани Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош шифокори, тиббиёт фанлари номзода. Шоира АЛИМОВА, шу марказ эпидемиология бўлимининг мудири.



Аёл ўйлари... Равилья Альбеков олган сурат-лаваҳ.

Матбаа

ОММАБОП ЛУФАТ

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг инглиз тили кафедраси катор йирик халқаро ташкилотлар билан яқин алоқа ўрнатган, Американинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳузурдаги ахборот агентлиги билан ҳамкорлик ҳам университетда хорижий тилларни ўрганишни яхшилашга хизмат қилмоқда.

Ушбу нуфузли агентлик кафедра билан биргаликда жаҳон тилларини ўқитишнинг истиқболларига бағишлаб халқаро анжуман ўтказди. Унда сўзга чиққан йирик олимлар нутқлари асосида илмий тўплам нашр этиш

ШАРҚ ДУРДОҲАЛАРИ

ОЗ-ОЗ ЎРТАНИБ ДОМО БУЛАВ...

◆ Билгинки, кишидан ҳаё кетса, тездagina бало етиб келади!

◆ Луқмони ҳақим ўз ўғлига деди: — Эй ўғлим, қилган хатоларингни ўлгунингча кўз ўнгингда тут, ҳеч қачон унутма! Аммо қилган барча яхшиликларингни кўз олдиндан нари қил! Токи уларни миннат ва тана қилиб юрма.

◆ Одамларнинг яхшироғи ўз қалбида яхшиликка йўл очгани ва ёмонликни ҳамда очқўзликни ҳайдаб чиқарганидир!

◆ Ҳақимларнинг баъзиси шундай дейди: — Кўпчилик сенга ёмонсан деса, демек ёмонсан, агар яхшисан деса, демек яхшисан.

МУҲАММАД ЗЕҲНИЙ.

◆ Инсоният одобининг ва одамийлик асосининг улуг қасри устунларидан бири — сўзлаш ва нутқининг қимматбахо гаҳарини мулоимлик ва одоб пардаси билан пешламоқ. Ахлоқ арқининг юқорисида ўтирувчиларнинг айтишича, инсониятнинг камолоти ва билимининг баланд мартабалиридан бири чиройли гапириш ва чиройли сўзлаш бўлиб, бу боғнинг гули ақл баҳористонининг насими билан очилади ва саодатнинг ёрқин жавоҳир дастурхонини ақл савдогаригина ёза олади. Ёқимли ва қимматбахо сўзлар донолик ва иқбол арбобининг тожи бўлган юнон ҳақимларининг айтишларича, тил ҳар бир ақл соҳиби фазилати ҳазинасининг калитидир ва ҳар кимсаннинг билим миқдори унинг сўзлари орқали маълум бўлади. Зеро, Саъдий айтганидек:

Ҳар киши гапирмай тургани замон, Аёб ила хунари бўлади ниҳон!

◆ **Ҳикоят.** Бир киши бир ҳақимнинг зиёратига борди. У бехуда сўзларни ҳаддан ташқари кетрайдиган ортик валдиради. Сўнг сўз орасида: — Энди сўз сўзлашни бас қилай, — деди.

Ҳақим унга: — Йўқ, сен сўз сўзлаганин йўқ, — деди.

◆ **Ҳикмат.** Бир ҳақимдан сўрадилар: — Ақли киши ким?

Ҳақим деди: — Сўзни меъёри билан сўзлаган, ҳаёт қадрини англаган. Бугун куч ва қудратини илм ва камолот ҳосил қилишга сарфлаган кишидир.

Байт:
Чеклаиб қолмагин мансабинг билан, Билм ва фазилат изласанг азар. Нокаслар қўлдан шакар олгандан, Золим қўлидан сен ичгин заҳар!

Мажидиддин ХАВОФИЙ.

◆ Унутмагинки, ҳасислик кишининг қадрини йўқотади, фалокатларга дучор этади.

◆ Хар қандай нарсада исрофгарчилик бор, аммо яхшилик қилишда ҳеч қачон исрофгарчилик бўлмайди. Аксинча у қанчалик кўп қилинса, шунча фойда бўлади.

◆ Киши ўз ҳақидан бировга бериши қийин, аммо бермаслик эса очқўзликдир.

◆ Олчoқ одамда номус ҳам бўлмайди. Байт:
Жавоҳир бўлса-да шакнинг юки, Барибир шакдир ялтираб туки.

«Аталар сўзлари» дан.

◆ Билгинки, саховат мактовга лойиқ фельдир. У инсонга сайқал берувчи безақдир. Сахийликнинг натижаси яхши номлилик, яхшиликнинг самараси дўстларнинг қўлайишидир. Одамзот учун саховатдан яхшироқ ва азиз ёқимли сифат йўқ!

◆ Бир ҳақимдан: — Кишининг барча хунарларини йўққа чиқарадиган нарса нима? — деб сўрадилар.

У эса: — Бахилликдир! — деб жавоб берди. Яна ундан:

— Кишининг барча айбларини беркитадиган нарса нима? — деб сўрадилар.

У эса: — Сахийликдир! — деб жавоб берди.

◆ Оқиллардан бири шундай деган эди: — Улуғ кишилар атрофида юрадиган кишилар ростгўй кишилар бўлмоғи керак, улар хушомад сўзларини кам айтишлари керак! Шейър:

Заҳарли найзадек бўлса ҳам рост сўз, Ёган ширин сўздан яхшидир манг бор!

Абулбарокот ҚОДИРИЙ.

◆ **Ҳикмат.** Икки нарса дунёда энг азиздир. Биринчиси — қўл меҳнати билан топилган бойлик. Иккинчиси — дилида дўстлиги барқарор бўлган содиқ дўст.

◆ Кичиклар гуноҳини кечмоқ катталар учун чиройли фельдир.

Махмуд ҲАСАНИЙ таржимаси.

